# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 24 март, № 58 (5225) Пайшанба


# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 март куни Оқсаройда АҚШнинг “Honeywell” корпорацияси раиси ва ижрочи директори Дэвид Коут раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари “Honeywell” корпорацияси нуфузли делегациясининг ташрифи 2010 йилнинг сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган учрашувда эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишнинг боришини муҳокама қилиш учун яхши имконият эканини таъкидлади.

Ўтган ой Тошкентда Ўзбекистон — АҚШ бизнес-форуми ўтказилгани, унда “Honeywell” корпорацияси вакиллари ҳам иштирок этгани Ўзбекистоннинг жадал ривожланиб бораётган бозори ва юртимизда яратилаётган кенг имкониятларга америкалик сармоядорларнинг қизиқиши ортиб бораётганидан далолат бўлди.

Бугунги кунда АҚШнинг “General Motors”, “Texaco”, “Chartis” каби қатор компаниялари Ўзбекистонга йирик миқдорда сармоя киритмоқда, шунингдек, юқори технологиялар соҳасининг етакчилари сифатида умумэътироф этилган “Sikorsky Aircraft”, “Exxon Mobil”, “General Electric” сингари компаниялар мамлакатимиз билан ҳамкорликни ривожлантиришга катта қизиқиш билдирмоқда.

Учрашувда Д. Коут Америка — Ўзбекистон савдо палатаси аъзолари томонидан Президент Ислом Каримовга тақдим этилган юксак мукофот давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган, дунёда ривожланишнинг “ўзбек модели” сифатида ном қозонган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш концепцияси халқаро миқёсда эътироф этилганидан далолат эканини таъкидлади.

Корпорация вакиллари Ўзбекистоннинг қудратли иқтисодий ва сармоявий салоҳияти, ривожланган инфратузилмаси, транспорт коммуникациялари, мустаҳкам банк-молия тизими ва юқори малакали кадрларига асосланган мамлакатимиздаги иқтисодий ўсишнинг жадал суръатлари ва тузилмавий ислоҳотларга юксак баҳо бердилар. Айни шу боис ҳам “Honeywell” корпорацияси учун Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон билан “Honeywell” корпорацияси ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболдаги ривожи, иқтисодий ҳамкорликнинг кенг кўламли йўналишлари, хусусан, юқори технологияли соҳаларга, жумладан, нефть-газ, энергетика, кимё ва авиация саноатига оид лойиҳаларни амалга ошириш учун сармоя жалб қилиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Мулоқот чоғида “Honeywell” корпорацияси делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида нефть-газ, кимё, авиация ва саноатнинг бошқа тармоқларига доир лойиҳаларни амалга ошириш бўйича қатор ҳужжатлар имзолангани мамнуният билан қайд этилди. Айни пайтда нефть-газ, энергетика, электротехника тармоқлари, кимё саноати ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Ислом Каримов Ўзбекистонда “Honeywell” корпорацияси билан ҳамкорликда ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли юқори технологияли лойиҳаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистон — АҚШ сармоявий ҳамкорлиги ривожига янги суръат бахш этишини таъкидлади.

**(ЎзА).**

**Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси эртага — 2011 йил 25 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун — 2011 йил 24 март куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

**Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлиси олдидан**

# МАМЛАКАТНИ ИСЛОҲ ЭТИШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

***Мамлакатимизда ҳокимият тармоқларининг такомиллашуви, бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ҳамда ривожланишига монанд равишда давлат ҳокимияти органларининг тизими, ваколатлари ҳамда функциялари модернизация ва ислоҳ этиб борилмоқда.***

Бунда ушбу соҳадаги устувор йўналишлар, бир томондан, қонунларни ҳаётга изчил татбиқ этишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлашга, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қодир давлат органларининг вертикал ва горизонтал тизимини яратишга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, бошқарув соҳасининг марказлашувини чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш, давлат органларининг иқтисодиётга аралашувини чеклашдан иборатдир.

Кенг кўламли ислоҳотлар натижасида икки палатали парламент — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси шакллантирилди ва самарали фаолият юритмоқда. Қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини яхшилаш, парламент палаталари назорат функциясини кучайтириш мақсадида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Парламентнинг ваколатларини кенгайтириш, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари ўртасидаги ваколатларнинг янада мувофиқлашувини таъминлаш, Президент ваколатларининг бир қисмини юқори палата — Сенатга ўтказиш ҳамда Бош вазирнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норманинг чиқарилиши ушбу даврдаги муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеалардан бўлди. Бугунги кунда Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Қабул қилинган қонунларга мувофиқ, Бош вазир Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади ҳамда унинг иши самарадорлиги учун шахсан жавоб беради, Вазирлар Маҳкамаси мажлисларига раислик қилади, ҳукумат ҳужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

(Давоми 2-бетда).

# САУДИЯ АРАБИСТОНИДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

**Жорий йилнинг 25 — 31 март кунлари Саудия Арабистонида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтади.**

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги Маданият ва ахборот вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этиладиган ушбу тадбирда юртимизнинг таниқли санъат намояндалари — қўшиқчилар, созанда ва ҳунармандлар иштирок этади.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-маърифий ва маданий-гуманитар каби кўплаб йўналишларда жадал тараққий этиб бормоқда.

Саудия Арабистонида Президентимиз Ислом Каримовнинг бир қатор асарлари араб тилида нашр этилган. Саудия Арабистони Ўзбекистонга асрлар давомида ислом маданияти ва цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирлар юрти сифатида ҳам катта эҳтиром билан қарайди. Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси — ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда “Ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилингани ҳам Саудия Арабистонида катта мамнуният билан қабул қилинди. Шу муносабат билан юртимизда ўтказилган йирик халқаро тадбирларда Саудия Арабистони вакиллари фаол иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.***

# МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

Унда мамлакатимизда идоралараро электрон ҳужжат айланиш тизимларини мувофиқлаштириш бўйича меъёрий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш, умумтаълим мактаблари битирувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга жалб этиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш даражаси, кўрсатилаётган интерактив давлат хизматларини янада кенгайтириш мақсадида ҳукумат портали орқали мурожаатларни электрон шаклда қабул қилишни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Идоралараро электрон ҳужжат айланиш тизимларини мувофиқлаштиришга оид меъёрий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар бўйича тегишли ахборотлар тингланди ва электрон ҳужжат айланишининг идоралараро тизимини яратиш концепцияси лойиҳаси муҳокама қилинди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 9-синф битирувчилари касб-ҳунар таълими билан тўлақонли қамраб олинишини назарда тутган ҳолда,

(Давоми 2-бетда).

# ҚАЛБЛАРДА ФАХР ҲИССИ

***Президентимизнинг Наврўз байрами муносабати билан халқимизга йўллаган табрик сўзларини тинглаб, қалбим ифтихорга тўлди. Миллий қадриятларимиз тимсоли бўлмиш Наврўз, унинг асл моҳияти, халқимизнинг ғайрат-шижоати, эришган натижаларимизни бирма-бир кўз ўнгимдан ўтказиб, ич-ичимдан шукроналик ҳиссини туйдим.***

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, шарқона янги йил бўлмиш бу сана одамзод қалбида эзгу интилишларни уйғотиб, унга умид ва ишонч, шукроналик туйғуларини бағишлайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркагу аёл, ёшу қари — барча юртдошларимизнинг энг ардоқли, катта хурсандчилик билан ўтказадиган севимли байрамидир. Зеро, ушбу шодиёна кунларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоқларида ижобий натижаларга эришилаётгани юртдошларимиз қалбида фахр туйғусини уйғотмоқда, байрамга янада жўшқинлик бағишламоқда.

Буларнинг бари мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида изчил ислоҳотлар амалга оширилаётгани, ҳар бир фуқаро, ҳар қайси касб эгаси, соҳа вакили меҳнатига яраша рағбатлантирилаётгани, қўллаб-қувватланаётгани натижасидир.

**Дил сўзи**

Бундай рағбат ҳар биримизни янгидан-янги марралар сари ундайди. Ўзимиздан қиёс: истиқлол йилларида ҳунармандларга катта имкониятлар яратиб берилди. Биргина бизнинг Хива туманида ҳозир моҳир усталар сафи 800 нафардан ортди. Уларнинг юзлаб шогирдлари кунт билан ҳунар сирларини ўрганишаяпти. Устоз ва шогирдлар қўлида яралган маҳсулотлар жаҳонга ҳам танилмоқда.

Ҳаётинг тинч-осойишта, турмушинг фаровон, ишингда унум бўлса, байраму тантаналарнинг ҳам гашти ўзгача бўлади. Юртимизда Наврўз айёми шукроналик билан, мамнун кайфиятда, кўтаринки руҳда кутиб олинганлиги бунинг тасдиғидир. Байрам олдидан маҳалла-кўй, боғу роғлар ободонлаштирилиб, Ватанимиз янада чирой очди. Момолар дошқозонга сумалак солиб, ҳалиму кўксомсалар пиширишди. Ҳамма жойда халқ сайли, кўпкарию кураш мусобақалари бўлиб ўтаяпти. Байрам муносабати билан ижтимоий кўмакка эҳтиёжманд ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинди. Қисқача айтганда, шу қутлуғ кунларда халқимизнинг эзгулик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик хислатлари янада яққолроқ намоён бўлмоқда. Айём тароватини эса кўнгилларимизни яна бир бор нурафшон айлади. Бу бизни ёруғ ниятлар, улуғ мақсадларга бошлаши, буюк келажакка бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлаши, шубҳасиз.

**Ҳаитмат БОҒБЕКОВ, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, ҳунарманд.**

# ҲАМКОРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ВА САМАРАДОРЛИК

**Халқаро саноат форуми иштирокчилари шундай мақсад йўлида Тошкентда йиғилдилар.**

***Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида “Uzbekistan industrial forum — 2011” II халқаро саноат форуми ўз ишини бошлади.***

У Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, “Ўзавтойўл”, “Ўзнефтгазқазиболиш” компаниялари ҳамда “IEG Uzbekistan” кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган аниқ мақсадли иқтисодий ислоҳотлар натижасида барча соҳаларда, хусусан, саноатда юксак муваффақиятларга эришилмоқда. Ўтган йил якунларига кўра, республикамизда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга ўсгани шундан далолат беради. Бундай барқарор ўсиш суръати ва ижобий ўзгаришлар, табиийки, юртимизга хорижлик мутахассислар қизиқишининг ортишига сабаб бўлмоқда.

**Кўргазма**

Хусусан, жорий йилги тадбирда Россия, Хитой, Германия, Украина, Беларусь Республикаси, Қозоғистон сингари давлатларнинг 40 дан ортиқ компаниялари ўзларининг тоғ-кон, металлургия, энергетика, кимё, йўлсозлик, тўқимачиликда қўлланиладиган махсус техника ва ускуналари ҳамда бошқа тайёр маҳсулотларини тақдим этмоқда.

(Давоми 2-бетда).

***Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин ҳунармандларга алоҳида ҳурмат кўрсатилиб, уларнинг меҳнати юксак қадр топди. Бу эса ҳар бир ҳунармандга ғурур ва ифтихор бағишламоқда. Айнан истиқлол шарофати билан мамлакатимизда Юртбошимиз ғамхўрлигида миллий ҳунармандчиликни қайта тиклаш ва ривожлантиришга астойдил киришилди, мазкур соҳа ходимларининг меҳнатига муносиб баҳо берила бошланди.***

«Bazar-art»:

# МЕҲНАТ ЗАВҚҚА АЙЛАНГАНДА

Анъанага мувофиқ, кеча пойтахтимизда бошланган “Bazar-Art — 2011” кўргазма ярмаркаси ҳам халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати маҳсулотларини кўпайтириш, моҳир ҳунармандларга ҳар тарафлама мадад кўрсатиш, умидли ёшларни аниқлаш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқаришга имкон бераётир. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан юздан зиёд уста ва ҳунармандлар қатнашмоқда. Кўргазмадан зардўзлик, тўқимачилик, наққошлик, ранг-тасвир ва миниатюра, ёғоч ўймакорлиги, керамика, каштачилик сингари йўналишлардаги ҳунармандчилик буюмлари ва санъат асарлари жой олган.

**Анъана**

— Касаначиликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор бизга жуда қўл келаяпти, — дейди Бухоро шаҳрилик Салима Ҳакимова. — Уйда бола тарбияси ва бошқа юмушлар билан бўламиз. Шундай пайтда касаначилик билан шуғулланишнинг завқи бўлакча экан. Кашта, сўзаналарни тикаётганда кишининг баҳридили очилади. Муҳими, тайёрлаётган маҳсулотларимиз истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

— Илгари ҳунармандлар маҳсулотларини яширинча бозорга тарқатишар, баъзи ҳолларда қўлга тушиб қолиб, бор-йўқларидан ажралишарди, — дейди фарғоналик уста кулол Абдужалил Наримонов. — Ана шундай оғир шароит боис атласнинг улкан салоҳият ва маҳорат талаб этадиган қадимий турлари, пичоқчиликнинг дамашқи, дандони, кулолликнинг айрим мураккаб бадиий безак бериладиган хиллари йўқолиб кетди. Яхшиямки, дориламон кунларга етдик.

(Давоми 3-бетда).

# МАМЛАКАТНИ ИСЛОҲ ЭТИШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши демократик ислоҳотларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бугунги кунда сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, аҳолининг, айниқса, сайлов жараёнларида хоҳиш-иродаси ва фикрини ифодалаш, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти органларини шакллантиришнинг таъсирчан воситасига айланмоқда. Мазкур вазифани ҳал этиш мақсадида парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифат мақомини қонунда белгилаш, сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларини Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилди.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари томонидан парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида баён этилган “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да таъкидланганидек, “Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўп партиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда”.

Шундан келиб чиқиб, Концепцияда қатор муҳим таклифлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилиши, парламентга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳамда Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ҳуқуқларини бериш бўйича муҳим таклифлар илгари сурилган.

Сиёсий тизим фаолиятига оид хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, сиёсий партияларнинг парламент фаолиятидаги иштироки қанчалик муҳим бўлмасин, уларнинг асосий вазифаси ҳокимиятни эгаллаш, ҳукуматни шакллантиришда иштирок этиш ва унинг фаолиятига ўз таъсирини ўтказишдан иборатдир. Бинобарин, сиёсий партияларнинг мамлакат ҳаётидаги ўрни ва ролининг ошиши, уларнинг давлат механизми билан ўзаро муносабатлари, аввало, партиянинг ҳукумат билан бўладиган муносабатларида яққол намоён бўлади. Шу боис ҳам кўпчилик ривожланган демократик давлатларда, мисол учун, Буюк Британия, Канада, Германия, Португалия, Франция, АҚШ, Япония ва бошқаларда давлатнинг бошқарув шакли хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ҳукумат тўлиғича ёки айтарли қисми сиёсий партиялар томонидан шакллантирилади.

Жумладан, Буюк Британияда давлат раҳбари сайлов натижаларига кўра, қуйи палатада мутлақ кўпчилик ўринга эга бўлган сиёсий партия лидерини ҳукумат раҳбари этиб тайинлайди. Францияда Президент Бош вазирни ва унинг таклифига кўра, вазирларни тайинлайди. Бунда парламентдаги кўпчиликнинг фикри инобатга олинади. Португалия Конституциясининг 190-моддасига мувофиқ, Президент Республика Ассамблеясидаги сиёсий партиялар билан маслаҳатлашувлар ўтказиб, сайлов натижаларини ҳисобга олган ҳолда, Бош вазирни тайинлайди.

Кўриб чиқилаётган соҳадаги хорижий тажрибанинг қиёсий таҳлили Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган ғоя ва таклифларнинг муҳим хусусиятлари ҳамда устувор жиҳатларини қайд этиш имконини беради. Жумладан, айрим хорижий давлатлардан фарқли ўлароқ, ишончсизлик вотуми Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолдагина билдирилиши мумкин. Бу орқали ҳукумат ва парламент муносабатларида барқарорликни таъминлаш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, парламент томонидан ишончсизлик вотуми билдирилганда, парламентнинг ўзини тарқатиб юбориш масаласи кун тартибида турмайди. Бу эса, парламентга қатъият билан ҳаракат қилиш имкониятини беради. Бундан ташқари, Концепцияга мувофиқ, ишончсизлик вотуми қабул қилинганда, янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Олий Мажлисга кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади. Ушбу механизм, барча фракцияларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳисобга олинишини таъминлаш баробарида, ишончсизлик вотумидан ҳокимиятга “ўзининг” одамларини олиб келиш мақсадида фойдаланиш йўлидаги турли сиёсий “ўйинлар”ни уюштиришнинг олдини олади.

Юқорида билдирилган фикрларга якун сифатида Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш қисмида ифода этилган катта амалий аҳамиятга эга муҳим ва зарурий таклифлар юзасидан қуйидагича хулоса қилиш мумкин, яъни барча демократик ислоҳотлар давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтиради. Мазкур чора-тадбирлар парламентнинг мамлакатда кечаётган жараёнларга таъсирини ҳамда унинг ўрни ва нуфузини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, Олий Мажлис ҳукуматни шакллантириш ва унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширишнинг таъсирчан конституциявий-ҳуқуқий воситасига эга бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ижро ҳокимияти органлари фаолиятида қонунийлик ва ошкораликни янада кенгроқ таъминлашга олиб келади. Қолаверса, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, ислоҳ қилиш чора-тадбирлари парламентнинг кундалик фаолиятидаги партиялар ўртасидаги курашни, ғоялар ва дастурлар курашини фаоллаштиришга имконият яратади ҳамда муайян ижтимоий қатлам манфаатларини ифодалайдиган партияларнинг ғоя ва дастурларини муваффақиятли амалга оширишнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

**Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати қўмитаси раиси.**

***Пойтахтимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда семинар ўтказилди. Мамлакатимиз рақобат сиёсатининг устувор йўналишлари ва “Рақобат тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш заруратига бағишланган ушбу тадбирда қуйи палата депутатлари, тегишли вазирлик, идора ва корхоналар вакиллари иштирок этди.***

# СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИ

## мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор асосида ривожланади

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Анжуманда ана шундан келиб чиққан ҳолда тайёрланган “Рақобат тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган рақобат сиёсати туфайли товар ва хизматлар бозорида монополлашиш даражаси сезиларли равишда пасайди. Бозор иқтисодиёти шароитида янги хўжалик юритувчи ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилдики, бу, ўз навбатида, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, охирги ўн йил мобайнида монополист-корхоналар қарийб 75,2 фоизга камайди. 2004 — 2009 йилларда монопол маҳсулотларнинг республика ялпи ички маҳсулотидаги улуши 26 фоиздан 20,8 фоизга пасайди.

Тадбирда 1996 йили қабул қилинган “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг бир қатор нормалари бугун-

**Тадбир**

ги кун талабларига жавоб бермай қолганлиги, хусусан, унда молиявий хизматлар бозоридаги рақобатни тартибга солиш масалалари қамраб олинмагани алоҳида айтиб ўтилди. Бундай меъёрларнинг йўқлиги рақобатга қарши ва рақобатни чекловчи ҳаракатларни тартибга солишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Чунончи, амалдаги ҳужжатда “бозор”, “бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар”, “инсофсиз рақобат”, “камситувчи шартлар”, “монопол юқори нархлар”, “монопол паст нархлар”, “шахслар гуруҳи”, “устун мавқе” каби асосий тавсифларни бир-биридан аниқ ажратиш ёки тоифалаш тартиби йўқ. Бу ҳам амалиётда баъзи қийинчиликларга олиб келаяпти.

Юқорида номи айтиб ўтилган қонун лойиҳаси мазкур камчиликларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Унда, аввало, соғлом рақобат муҳити тушунчаси тўлиқ баён этилмоқда.

Шунингдек, соҳага оид қонунчилик йўналишлари хусусида ҳам сўз юритилди. Бозор субъектининг хўжалик фаолиятини юритишига таъсир кўрсатиш орқали товар бозори монополлашувига йўл қўймаслик шулар жумласидандир. Айни чоғда хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталидаги 35 фоиздан ортиқ бўлган акцияларини сотиб олиш бўйича битимларни тузиш устидан назорат олиб бориш масаласида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шу билан бирга, ушбу янги қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши юқорида кўрсатилган камчиликларни тугатиш, рақобатни ҳимоя қилиш бўйича муносабатларни тартибга солиш, бу борадаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш ҳамда товар бозорларида монополистик фаолиятни бартараф этишда қўл келиши алоҳида айтиб ўтилди.

Тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# ЎСИМЛИК ДУНЁСИ ВА ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТ

***Мамлакатимизда наботот оламини асраб-авайлаш, биологик хилма-хилликни сақлаш ҳамда улардан фойдаланишни тартибга солиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Буни соҳанинг ҳуқуқий асоси тобора такомиллашиб бораётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда.***

Ўзбекистон, шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид бир қатор халқаро ҳужжатларга ҳам қўшилди. Биологик хилма-хиллик, Бутунжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш, Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш, Ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб юрувчи турларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенциялар шулар жумласидандир.

Ўтган даврда мазкур ҳужжатлар талаблари асосида бир қатор ишлар амалга оширилди. Масалан, Йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи фауна ва флора турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция (CITES) доирасида камёб ўсимликлар турларини экспорт ва импорт қилиш қоидалари қатъий қилиб белгиланди. Бундай саъй-ҳаракатлар юртимизда ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг йўқ бўлиб кетишининг олдини олишда қўл келмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон ўрмон фонди майдонлари 9,12 миллион гектар бўлиб, уларда 4600 дан зиёд ўсимлик тури кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинаётгани ана шу ишларнинг самарасидир. Йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган 305 та ўсимлик, шу жумладан, 4 турдаги қўзиқорин Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

Ўрмон фондидан ташқари ўсимликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш масалалари эса Ер ва Шаҳарсозлик кодекслари, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги, “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги, “Селекция ютуқлари тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги, “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги ва бошқа қонун ҳужжатлари билан муайян даражада тартибга солиб келинмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан бу соҳага оид қонунлар ижроси таҳлил этилганда, ай-

**Парламент ҳаёти**

рим камчиликлар ҳам кўзга ташланди. “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунни қўллаш амалиёти хусусида ҳам ана шундай фикрларни айтиш мумкин. Жумладан, доривор, озиқ-овқатбоп, техник хом ашё сифатидаги ўсимликларни йиғиб-териш тартибини бузиш ҳолатлари учрамоқда. Натижада биологик хилма-хилликка зарар етказилиб, экологик тизимда деградация жараёни юз бераяпти.

Мана шу омиллар “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, такомиллаштиришни тақозо этаётир. Ҳозир қуйи палатада ушбу ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси тайёрланмоқда. Бу ҳуқуқий ҳужжат орқали нафақат ўрмон фонди ўсимликлари, балки бошқа ўсимликлар ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд наботот оламини асраб-авайлаш, уларни такрор етиштириш масалаларини қамраб олиш ҳам кўзда тутилаётир. Айни чоғда Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ўсимликлардан фойдаланиш, алоҳида турдаги (заҳарли, таркибида наркотик бўлган, карантиндаги, бегона ва бошқа) ўсимликлар тарқалишини бошқариш ҳамда ёввойи ўсимликларни дурагайлаштириш ва селекциялаш масалаларига аниқлик киритилади.

Қонун ижодкорлиги жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг бу борадаги ролини ошириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоатчилик томонидан ўсимликларни муҳофаза этиш, соҳага оид қонунлар ижросини назорат қилиш асосини яратишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, унга Ўзбекистон Қизил китобига киритилган ўсимликларни, ботаник коллекцияларни, йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ёввойи фауна ва флора турларини мамлакатга олиб кириш ва олиб чиқиш тартибини белгиловчи нормалар киритилади. Ўсимликлардан махсус фойдаланганлик учун тўловларни амалга ошириш ҳамда уларга шикаст етказиш — пайҳон қилиш натижасида етказилган зарарни қоплаш масалалари ҳам ўсимлик дунёси объектларидан самарали фойдаланишнинг иқтисодий механизми сифатида қонун лойиҳасида алоҳида белгилаб қўйилади.

Хулоса қилиб айтганда, тайёрланаётган мазкур қонун ҳужжати ўсимликлар ва уларнинг генетик фондини, ўсимлик ресурсларини ҳимоя қилиш ҳамда ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, муҳофаза қилиш соҳасида давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назоратини жорий этиш имконини беради.

**Борий АЛИХОНОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари,**
**Содиржон ЖАКБАРОВ,**
**Сергей САМОЙЛОВ,**
**Жуманазар АТОЖОНОВ,**
**Қонунчилик палатаси депутатлари.**

# МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ ЙИҒИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

уларни ўқишга қабул қилишни тегишли равишда тартибга солиш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижросининг бориши таҳлил қилинди. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, уларни ахборот билан таъминлаш тизимини ривожлантириш мақсадида давлат органлари томонидан кўрсатилаётган интерактив давлат хизматларини янада кенгайтириш, хўжалик субъектлари ва аҳоли мурожаатларини электрон шаклда қабул қилиш тизимларини такомиллаштириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан давлат органларида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ҳолати Тошкент вилояти ҳокимлиги фаолияти мисолида батафсил кўриб чиқилди.

Кўрилган масалалар бўйича мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди ҳамда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда соҳа мутахассислари томонидан кўрсатма ва таклифлар берилди. Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# ВАТАНГА ХИЗМАТ – ОЛИЙ САОДАТ

***Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик туфайли барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, юртимиз тараққиёт сари юз тутмоқда. Аҳоли турмуши фаровонлашиб, эртанги кунга бўлган умид ҳамда ишончи тобора мустаҳкамланаётир.***

Албатта, бунга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Президентимизнинг оқилона сиёсати боис мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техника билан таъминланган Қуролли Кучларимиз барпо этилди. Улар сафини тўлдириш такомиллаштирилди, муддатли ҳарбий хизмат бир йилгача қисқартирилди. Ўтган йиллар мобайнида сержант ва офицер кадрларни профессионал асосда тайёрлаш борасида ҳам кўламли ишлар амалга оширилди. Шунингдек, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун ижтимоий-маиший шароитларни яхшилаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай чора-тадбирлар боис бутун армиямизнинг қиёфаси тубдан ўзгарди, аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксалди.

**Фахр**

Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг қасамёд қабул қилишига бағишланган тантанали маросимда ҳам шулар ҳақда сўз борди. Тадбирда жамоатчилик вакиллари, соҳа фахрийлари, ҳарбийлар, ота-оналар жам бўлишди.

Эгнига ҳарбий либоси ярашиб турган фарзандининг шу муқаддас заминимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга, Президентимизга, халқимизга садоқат билан хизмат қилишга ваъда бериб, қасамёд қабул қилганини кўрган ота-оналарнинг эса севинчдан кўзлари ёшга тўлди.

— Ҳаяжонимнинг чеки йўқ, — дейди Яккабоғ туманидан келган Ойзода Эгамбердиева. — Норғул, азамат йигитлар қаторида турган ўғлимга қараб, кўнглим тоғдек кўтарилди, қалбим фахрга тўлди. Мана шундай фидойи фарзандларимиз бор экан, элимиз тинч-тотув ҳаёт кечиради, Ватанимиз бундан-да равнақ топади. Олий ҳарбий-техник билим юртида аскарларга яратиб берилган шарт-шароитлар билан танишиб, жудаям хурсанд бўлдик. Буларнинг барчаси учун Юртбошимизга ўз ташаккуримизни билдирамиз.

Мамлакатимизда яшариш ва янгиланиш айёми — Наврўзи олам шукуҳи кезиб юрган айни кунларда ўтказилган ушбу тадбир давомида намойиш этилган концерт дастури йиғилганларга байрамона кайфият бағишлади.

**Сарвар ОЧИЛОВ.**

# ҲАМКОРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ВА САМАРАДОРЛИК

## Халқаро саноат форуми иштирокчилари шундай мақсад йўлида Тошкентда йиғилдилар.



СУРАТДА: саноат форумидан лавҳа.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иштирокчилардан бири — Украинанинг “Новокраматорск машинасозлик заводи” дунёдаги энг йирик корхоналардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда ушбу завод 50 дан зиёд давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Шунингдек, Германиянинг “Engineering dobersik gmbh” компанияси тоғ-кон ва металлургия саноатига мўлжалланган қурилмалари, Беларусь Республикасининг “БелАЗ” заводи техникалари ҳам бугун саноатчиларга яхши маълум.

Юртимизда эса 118 турдаги минерал хом ашёнинг 1800 дан зиёд конлари ва мингга яқин истиқболли қазилма бойликлар мавжуд бўлиб, айни пайтда уларнинг 65 таси ўзлаштирилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон олтин захиралари бўйича дунёнинг дастлабки бешта давлати сафига киради. Уни қазиб олиш бўйича тўққизинчи ўринда турса, уран захираси бўйича биринчи ўнликдан жой олган. Мана шу рақамларнинг ўзиёқ республикамиз иқтисодиётида саноатнинг қай даражада муҳим аҳамият касб этишига яққол мисол бўла олади.

Қизғин ва ишчан руҳда бошланган саноат форуми бу борадаги ишларни жадаллаштириб, республикамиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

“Uzbekistan industrial forum — 2011” II халқаро саноат форуми жорий йилнинг 25 мартига қадар давом этади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# САУДИЯ АРАБИСТОНИДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Саудия Арабистони Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини, иқтисодий барқарорликка эришиш йўлидаги улкан ютуқларини юксак қадрлайди.

2006 йилда Подшоҳ Файсал номидаги халқаро илмий тадқиқот марказида “Хоразм Маъмун академияси ва унинг жаҳон илм-фани ривожида тутган ўрни” мавзуида илмий анжуман ўтказилди. Хоразм Маъмун академияси билан мазкур марказ ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигидан маълум қилишларича, Ўзбекистон маданияти кунлари Саудия Арабистонининг Ар-Риёд ва Жидда шаҳарларида бўлиб ўтади. Ушбу тадбир дастуридан “Ўзбекистон — Ватаним маним” халқ амалий санъати ва фото кўргазмаси кенг ўрин олган. Унда ўзбек халқ усталари томонидан яратилган ганчкорлик, мискарлик, ёғоч ўймакорлиги, кулоллик ва зардўзлик буюмлари каби амалий санъат намуналари, фотосуратлар ҳамда ҳунармандчилик буюмлари намойиш этилади. Тадбир доирасида, шунингдек, Ўзбекистоннинг бой маданий-тарихий ва маънавий меросига бағишланган миллий мусиқа ва қўшиқлар дастури тақдим этилади.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

UZBEKCOMMODITY EXCHANGE

Ўзбекистонда давлат харидларида тўғридан-тўғри иштирок этишнинг оддий формуласи:

Ошкоралик +
Рақобат =
Ҳаққоний нарх

Барча маълумотлар қуйидаги порталда:

goszakupki.uz

*Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1992 йили Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган конференциясида 22 март — "Бутунжаҳон сув куни" деб эълон қилинган. Бу бежиз эмас, албатта. Негаки, кейинги пайтларда тупроқ, сув ва ҳавонинг зарарли моддалар билан ифлосланиши, умуман, экологик ҳолатнинг ёмонлашуви атроф-муҳитни асраш, табиат неъматларидан оқилона фойдаланишни тақозо этмоқда.*



# ЗИЛОЛ СУВ — ҲАЁТБАХШ НЕЪМАТ

Шу маънода, бугун табиат ва инсоният ўртасидаги муносабатлар дунё мутахассисларини ўйлантираётган муаммолардан бирига айланмоқда.

Табиий мувозанат, кўп жиҳатдан, инсон фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Ачинарлиси, экологик вазиятнинг ёмонлашувига инсон омили, яъни кундалик эҳтиёж учун дарахтларнинг кесилиши, сув ёки ердан унумли фойдаланмаслик сингари ҳолатлар сабаб бўлмоқда.

Мутахассисларнинг кузатишларича, ҳозирги кунда дунё бўйича йилига 6 миллион гектар ер чўлланишга учрамоқда, олтмиш мингга яқин ўсимлик, етти мингдан ортиқ ҳайвон турлари йўқолиб кетиш арафасида. Аҳолининг кўпайиши ҳамда янги ерларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига сувга бўлган эҳтиёж тобора ортиб бораётир. Булар табиийки, ишлаб чиқаришда тежамкор технологиялардан фойдаланган ҳолда, истеъмолчиларга сифатли маҳсулот етказиб бериш заруратини туғдирмоқда.

**Тақдимот**

Айтиш жоизки, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда дунёнинг етакчи компанияларидан бири — "Нестле" бу борада ўзига хос тажрибага эга. Хусусан, компания Бутунжаҳон сув кунини қўллаб-қувватлаб, обиҳаёт захираларини тежаш, экология ҳақида билимларни бойитиш мақсадида ўн мингдан зиёд болаларни ўз заводлари жойлашган 24 мамлакатга саёҳатга таклиф қилмоқда. Шунингдек, "Project Wet" — мактаб ўқитувчилари учун мўлжалланган сув ҳақидаги ўқув машғулотлари халқаро дастури бўйича Вьетнам, Венгрия, Италия, БАА, Франция, Покистон, Мексика, Буюк Британия, Италия, Хитой сингари давлатларда бир қатор тадбирлар уюштирилиб, кўплаб педагогик қўлланмалар яратишда фаол иштирок этаётгани ҳам эътиборга лойиқдир.

"Нестле" компанияси юртимизда ҳам самарали фаолият юритиб келмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 14 октябрдаги "Нестле Ўзбекистон" Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхонасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига асосан иш бошлаган корхона маҳсулотлари бугун республикамизда ўз харидорларини топиб улгурган. Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган мазкур корхонани ривожлантириш учун шу кунгача 31 миллион АҚШ доллари миқдорида сармоя ажратилди. Корхона мутахассислари томонидан жорий йилдан бошлаб илк маротаба республикамиз ўқувчиларига сувнинг экология ва инсон саломатлигини асрашдаги аҳамияти, ундан оқилона фойдаланиш хусусида тушунчалар бериб бориш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, ўтган йили пойтахтимизда 9 миллион АҚШ долларилик сармоя эвазига унинг янги корхонаси ишга туширилди. Натижада тоза ичимлик сувини 5 ва 18,9 литрлик идишларда қадоқлаш имконияти пайдо бўлиши баробарида, 120 нафар киши иш билан таъминланди.

Пойтахтимизда "Нестле Ўзбекистон" қўшма корхонаси ҳамда "MASLOV PR TASHKENT" масъулияти чекланган жамияти ҳамкорлигида Бутунжаҳон сув куни муносабати билан ташкил этилган матбуот анжуманида ана шулар хусусида маълумотлар берилиб, янги маҳсулотларнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Тадбир иштирокчилари ичимлик сувини қадоқлаш жараёни билан яқиндан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«Bazar-art»:

# МЕҲНАТ ЗАВҚҚА АЙЛАНГАНДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биз кўза харид қилаётган хорижлик меҳмон билан суҳбатлашдик.

— Юртингизда ўтаётган кунларимдан таассуротларим катта, — дея ҳайратини яширолмайди италиялик сайёҳ Рикардо Антонини. — Икки ҳафта мобайнида Ўзбекистоннинг тарихий жойларини томоша қилдик. Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Хива шаҳарларига қилган саёҳатимиз бир умр ёдимда қолади. Бу фестиваль эса миллийликни акс эттирганлиги боис, айниқса, диққат-эътиборимни тортди.

"Bazar-art" кўргазма-ярмаркаси якунида "Энг яхши анъанавий тўқимачилик устаси", "Энг яхши анъанавий кандакорлик устаси", "Энг яхши анъанавий ўйма нақш устаси", "Энг яхши нақш ва миниатюра устаси", "Энг яхши ёғоч ўймакорлиги устаси" ҳамда "Энг яхши каштачилик устаси" каби номинациялар бўйича танлов ғолиблари аниқланади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳурматли ота-оналар!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

сизларни барча факультетларда 2011 йилнинг 26 март куни соат 14.00 да бўлиб ўтадиган

ота-оналар йиғилишига

таклиф этади.

*Сизлардан фарзандингиз таҳсил олаётган факультет деканатига учрашишингизни сўраймиз.*

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 2-уй.



## ОБ-ҲАВО (24 март)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёмғир ёғади. Кечаси 5-10, кундузи 9-14 даража илиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёмғир ёғиши кутилмоқда. Ҳарорат тунда 8-13 даража илиқ, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 8-13 даража илиқ, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 7-12 даража илиқ, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 8-10 даража илиқ, кундузи 23-25 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси жамоаси марказий аппарат масъул ходими Акмал Мамасалиевга падари бузруквори

**КУРВАНБАЙ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси Бухгалтерия ҳисоби кафедраси доценти Абдулҳақ Маҳкамбоевга укаси

**Абдурашид МАҲКАМБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент Молия институти ректорати ва Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси Ўзбек ва рус тиллари кафедраси катта ўқитувчиси Эльмира Хуснутдиновага онаси

**Роза ХУСНУТДИНОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 78776 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5